

"ИБРОХИМ ДУОСИ"НИ ЭСЛАБ...

15:39 / 28.04.2017 5583

Қиёмат куни Аллоҳнинг тақдирида, Лавҳул маҳфузда ёзиб қўйилган. Аллоҳ таоло ўзи хоҳлаган куни биз яшаётган дунёни тўхтатади. Биз бу воқеани дунёвий ҳолатларга ўхшатадиган бўлсак, тасаввур қилинг, бир мактаб бор ва унда 30та синф мавжуд. Ана ўша синфларда ўртача 25тадан ўқувчи дарс олади. Устоз муаллимлар дарсхоналарга кирар эканлар, дарҳол синфда яхши ўқийдиган, савияли, қобилиятли ўқувчиларни топиб олишади ва асосан ана ўшалар учун дарс берадилар. Ўар бир синфда ўртача бешта аълочи ўқувчи бор десак, мактабда 150та дарс беришга арзийдиган талаба бўлади. Энди ўша аълочиларнинг ҳаммасини тўплаб бошқа мактабга ўтказиб юборилса, нима бўлади? Мактаб ёпилади, чунки мактаб айнан 150та ўқувчининг ҳурмати учун фаолият юритаётган эди. Дунё ҳам шунақа. Беш-олтита одамлар бор, уларнинг дуоси шарофати ила қиёмат бўлмаяпти. Агар инсоф билан бугунги ҳолатимизга назар ташлайдиган бўлсак, аллақачон ер ўз вазифасидан воз кечиши керак эди.

Гулистонлик биродаримиз ҳикоя қилиб берадилар: Тўқсонинчи йилларнинг аввали. збекистондан анчагина одам ҳаж қилиш учун Маккага йўл олишди. Мен ҳам ана шу бахтли инсонлар ичида эканлигимдан Аллоҳ таолога ҳамд айтардим. ша йили қурбон ҳайити жуда ҳам иссиқ кунга тўғри келиб қолди. Шу қадар иссиқ бўлдики, Арофат тоғида одамларга сув сепаб турувчиларнинг сувлари ҳам тугаб қолди.Каъба ёнида намоз ўқиш ҳар қандай мўминнинг орзуси ҳисобланади. Лекин май ойининг жазира иссиғи ўша орзуманд қалбларни ҳам салқин жойларга суриб ташлади. Биз кечикиброқ пешин намозига келган эканмиз, очиқ жойга чиқиб фарзга қўшилишимизга тўғри келди. Пешоналарни саждагоҳга қўйишимизни тасаввур қилинг, энди. Буёғига Аллоҳга таваккал қилишдан бошқа чора қолмади. Имом Аллоҳу акбар" деб намозга кириши билан ажиб бир воқеа юз берди. Каъба заминини оташ қилиб қиздираётган қуёш юзини булут ёпди. Бутунлай ёпди. Қоратош атрофи салқинланиб қолди. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни оловни ичида куйдирмагани сингари, зига таваккул қилиб қизиб ётган ерга бош қўйишга тайёр мўминларини ҳам куйдирмади. Субҳаналлоҳ!

Энг қизиғи, фарз намозини тугатган эдикки, булут ўз вазифасини бажариб, қуёшни яна очиб юборди. Қўлларни осмонга кўтаганча тилларимиз дуо

қиларди: Аллоҳим, зингга ҳамд бўлсин, зингнинг Аршинг соясидан бошқа соя бўлмайдиган Кун - Қиёматда ҳам бизни қутқар, саломат қолдир. Бугун бизни қуёшнинг иссиқ оташларидан саломат сақлаганинг сингари, дўзах азобларидан тўсувчи булутларни ҳам бизга ато эт! Бугун бу улуғ мақомда яхши бандаларинг ҳурмати гуноҳу маъсиятга ботиб қолган биздекларни ҳам бошимизни омонда қилдинг, Парвардигоро, қиёматда ҳам Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) шафоатларини насиб эт! Гарчи биз жаннатга умуман арзимасак-да, сендан ёлвориб сўраймиз, раҳматинг, марҳаматинг, фазлинг ва караминг ила унга бизни дохил қил. Амин!

Кўз ёшлар эҳромларни ҳам ювиб ташлаганди. Шунда мен амин бўлдимки, бу дунё беш-олтита ҳақиқий тақво эгаларининг ҳисобига нафас олмоқда. Бу дунё одамлари Аллоҳ таолодан ана ўша яхши инсонлар ҳаққига дуо қилсинлар. Акс ҳолда, ўта хиёнаткор қавм бўлиб қолишади.